*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 19 oktyabr № 43 (476) Sotuvda narxi erkin



"Тошкент Телеком" АЖ Олмалиқ филиалидаги 3-АТС-ни бенуқсон ишлашида малакали муҳандис Алла ПИЧУЛИНАнинг хизмати катта.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ТЕРМИЗДА ТИНЧЛИК НАФАСИ

Қадимий ва навқирон шаҳар Термизда ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Амударё ортидаги воқеалар Термизийлар юртидаги тинчликка асло раҳна солгани йўқ. Маҳаллий аҳолининг осуда ҳаёти баъзи шов-шувбоп ва уйдирма гаплар ёлғонлигига кафолат бериб турибди. Ҳар куни ишлаб чиқариш жамоаларида юқори меҳнат унумига эришилмоқда. Жумладан, "Сурхондарё Телеком" шўъба корхона жамоаси элга манзур хизмат қилмоқда. Улар ҳиммати билан мижозлар узоғи яқин, оғири енгил қилинмоқда. Хонадонларга сим орқали хушхабарлар келиб турибди. Шаҳарликлар эфир радиоси орқали юртимиз ва жаҳон миқёсидаги воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиб туришибди.

–Жамоамиз аъзолари Афғонистон воқеаларидан асло хавотирга тушганлари йўқ, – дейди биз билан суҳбатда "Сурхондарё Телеком" шўъба корхонасининг Термиз шаҳар филиали раҳбари Собиржон Бадалбоев. – Улар одатдагидек хизмат қилиб, юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда жамоа аъзолари АҚШ ва Буюк Британия мамлакатларининг терроризмга қарши олиб бораётган ҳаракатини астойдил қўллаб-қувватлашди. Улар ёвуз кучлар илдизи билан қуритилса, бутун дунёда тинчлик барқарор бўлишини таъкидладилар.

Ҳа, мустақил ватанимиз жанубий сарҳадидаги шаҳар – Термизда бугун тинчлик нафаси уфуриб турибди. Барча қатори, шаҳарликлар ҳам ҳушёрлик ва огоҳликни кундалик одатга айлантиришган. Зеро, ўзингни ва ўз уйингни ўзинг асра деган даъват мавсумий гап эмас. Бунга амал қилинса, ҳар қандай хавф-хатарнинг олди олинади.

**Н. ЗИЁЕВ,**
**Сурхондарё вилояти**

● Қилмиш-қидирмиш

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Маълумки, "Saharlararo aloqa korxonasi" АЖ кабелли ва радиореле алоқа линиялари орқали вилоят марказларида жойлашган шаҳарлараро автоматик телефон станцияларини ўзаро боғлаб, чет эл ва МДҲ давлатларига чиқишни таъминлайди. Бугунги кунда ушбу тизимни янада такомиллаштириш учун "Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш Миллий дастури" бўйича республикамиз шаҳар ва шаҳарлараро алоқа тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Мазкур дастурга биноан шу кунгача 2000 км. янги оптик толали кабел алоқа магистрал линияси қурилди ва 1000 км. радиореле линиялар реконструкция қилинди. Шанхайдан то Франкфуртгача бўлган трассадаги бир неча давлатларни бирлаштирган Транс-Осиё-Европа оптик толали кабел алоқа магистрал линияси ишга туширилди. Барча вилоят марказлари шу линия орқали рақамли алоқа билан таъминландилар. Ўта замонавий бу магистраллар мамлакатимиз ва халқимизнинг катта бойлиги бўлиши билан бирга иқтисодиётимизнинг қон томирлари каби, жамият ҳаёти учун бамисоли сув ва ҳаводек зарурдир. Шундай экан, катта миқдордаги хорижий валюта эвазига чет эллардан келтирилган бу қимматбаҳо қурилмаларнинг дахлсизлиги ва тўхтовсиз ишлаши учун уларни ишончли муҳофаза қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу борада ҳам ҳукуматимизнинг қатор чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил, 5 февралдаги "Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари экспортини тартибга солиш тўғрисида"ги ва 2000 йил, 9 мартдаги "Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари шулар жумласидандир. Фармонда республикамиз ташқарисига рангли металлар чиқиндиларини олиб чиқиш таъқиқлаб қўйилган. Шунингдек, ҳаво ва кабел линиялари ҳамда электр узаткичларга қасддан зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, божхона ва Миллий хавфсизлик хизматларининг биргаликдаги фаолияти белгилаб берилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил, 15 майдаги 210-сонли қарорига асосан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" ҳам тасдиқланган. Аммо барча ишлаб чиқилган чора-тадбирларга қарамай, алоқа кабелларини рангли металл олиш мақсадида (айниқса, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида) кесиб, ўғирлаш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат бўйича ички ишлар органлари билан биргаликдаги тадбирлар натижасида ўтган йилнинг ўзида, биргина "Saharlararo aloqa korxonasi" АЖ бўйича 18 та кабелларни кесиб кетиш ҳоллари қайд этилди. Оқибатда корхона 9 миллион сўм зарар кўрди, шаҳарлараро алоқалар 108 соатга ишдан тўхтади. Жиноят содир этган ўн нафардан ортиқ шахслар 6 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум этилди. Бир неча қонунбузарга эса турли даражада жазо чоралари қўлланилди.

(Давоми 2-бетда.)

Обуна – 2002

## ОГОҲЛИК ҲИКМАТИ

Жамият ҳаётини, кундалик турмушимизни Матбуот ва Оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Давлатимиз томонидан "тўртинчи ҳокимият" фаолиятини янада яхшилаш мақсадида қатор қонунлар қабул қилингани, чора-тадбирлар белгилангани ҳам бежиз эмас. Шахсан юртбошимиз бу борада доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда.

"Бугунги шиддатли давр Оммавий ахборот воситалари олдига ўзига хос ва ўзига мос, биз илгари ҳаётимизда дуч келмаган машаққатли, шу билан бирга шарафли вазифаларни қўймоқда" деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Янги — XXI аср ахборот асридир. Кимки зарур, керакли ахборотга эга бўлса, ўша оламни бошқаради, дейишади. Ҳақ гап. Ҳазрат Навоийнинг "Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен" деган пурҳикмат сўзларини газетамизга шиор қилиб олганимиз ҳам бежиз эмас, албатта.

Эндиликда ҳеч кимга сир эмас — ана ўша огоҳлик — керакли ахборот-маълумотга эга бўлишда матбуот, Оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Республикамизнинг заҳматкаш алоқачиларини, муштарийларни "Xabar" орқали тармоқ ҳаётига доир турли муаммолар, ютуқ ва камчиликлар, янгиликлардан ўз вақтида хабардор этиб бориш асосий мақсадимиздир. Бунинг учун ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйишимиз, ушбу кунларда биз учун ўта муҳим бўлган вазифа — обуна мавсумини самарали ўтказишимиз лозим. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, газетага хўжакўрсинга — уч ёки олти ойга эмас, (афсуски, айрим жойларда шундай бўлмоқда) бирατўла бир йилга обуна бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Келаси йилнинг шарафли Наврўз байрами кунида "Xabar" газетамизнинг ташкил этилганига ўн йил тўлади! Биз учун қўшалоқ байрам бўлган ушбу қутлуғ айёмда қувончимизни Сиз — азиз муштарийлар билан баҳам кўриш ниятидамиз. Бунинг учун ҳозирдан замин тайёрлаб, "Xabar"га ёзилаётган, маънавий дунёсини газетамизсиз тасаввур қилолмайдиган, содиқ муштарийларимиз борлигидан фахрланамиз. Матбуотнинг жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятини теран тушунадиган, маърифатли раҳбарлар, мутасаддилар обуна масаласига бефарқ қарамайдилар, бу борада юзага келадиган муаммолар, ташкилий-амалий ишларда бош-қош бўладилар деган умиддамиз.

**"XABAR" газетаси**
**таҳририяти**

## ТЕРРОРИЗМ — АСР ВАБОСИ

"Бухоро Телеком" акциядорлик жамиятида терроризмга қарши кураш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Афғонистонда бўлаётган воқеалар тўғрисидаги Баёноти, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавоблари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, йиғилишда Бухоро Давлат университети сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедрасининг доценти М. Раҳматуллаев маъруза қилди. Маърузада халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон тутган йўл қўллаб-қувватланиб, хориждаги айрим ахборот воситаларининг Афғонистондаги воқеаларга оид тарқатган уйдирма гаплари асоссиз эканлиги таъкидлаб ўтилди.

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАНДИ

Ғиждувон тумани ҳокимлиги Бухоро вилоятида биринчи бўлиб Интернет тармоғига уланди. Бундан кўзда тутилган мақсад энг муҳим ахборотлар билан тезкор танишиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилиш, мамлакатимиз ва бутун жаҳондаги саноат корхоналари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда тумандаги саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, миллий ҳунармандчилик, айниқса, машҳур Ғиждувон кулолчилигига оид сайтлар тайёрланмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз

• Нишондорларимиз

# ОТА ДУОСИДА ҲИКМАТ КЎП

Фельдъегерлик хизмати ўта сезгирлик, пухталик, тезкорлик ва фидойиликни талаб этади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган кишиларгина бу масъулиятли соҳада узоқ ва самарали ишлай оладилар. Исмат ака бу соҳада роппа-роса 32 йил хизмат қилди. Умр йўлдоши – малакали педагог Назира опа билан 7 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.



Идрис – ана шу кўп болали ва бахтиёр оиланинг тўнғич фарзанди. Алоқа соҳасида ишлаш орзуси Бухоро шаҳридаги 6-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ уйғонган эди. Тўнғич фарзанд ота-онанинг қўл-қаноти экан. Аксарият ўзбек оилаларида бўлганидек, Абдуллаевлар хонадонида ҳам ушбу ҳақиқат ўз исботини топди. Етуклик гувоҳномасини қўлига олиб, мустақил ҳаёт остонасида турган Идриснинг "Ўқишга ҳали улгураман, ҳозирча озгина ишлаб олай", деган сўзларини эшитган Исмат ака суюниб кетди. Жўжабирдай жон эмасми, ўғли қўлтиғига кирганидан хурсанд. Ота рози – худо рози. Идрис Абдуллаевнинг шахсий ва оилавий ҳаётдаги омади ота дуосини олганида бўлса ажабмас.

Идрис 1979 йили Бухоро шаҳар ва шаҳарлараро телефон станциясининг лаборатория бўлимида оддий электромонтёр сифатида иш бошлади. Билмаганларини устозларидан қунт билан ўрганди. Бу орада армия сафида йигитлик бурчини ҳам ўтаб келди. Ҳаётини ўзи кўнгил қўйган саранжом-сариштa ва ақлли қизлардан бири – Назира билан боғлади. Бирин-кетин бир-биридан ёқимтой, ширин фарзандлар дунёга келди. Кундалик турмуш икир-чикирлари, оила ташвишлари билан андармон бўлган айрим одамларда ёшликдаги орзу- истакларни рўёбга чиқариш истаги аста-секин сусаяди. Идрисда бўлса аксинча, покиза турмуш тарзи, ораста оила муҳити қалб тубидаги болалик орзуларининг ушалишида муҳим аҳамият касб этди. У ўз малакасини ошириш, танлаган соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишиш мақсадида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг муҳандислик-техника факультетига ўқишга кирди. Сиртдан таълим олиш билан бирга Бухоро шаҳар телефон станциясининг дастлаб бешинчи, сўнгра эса 3-автоматик телефон станцияларида электромонтёр вазифасида ишлади. Табиатан жонкуяр, бир сўзли, ишнинг кўзини биладиган камтарин-камсуқум бу йигит билан ҳамкасблари ҳам ҳақли равишда фахрланадилар. Айниқса, касбига бўлган юксак масъулият ҳисси Идрис Абдуллаевнинг обрўйига обрў қўшди. У Бухоро шаҳар электралоқа боғламасининг (ҳозирги "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти шаҳар филиали) 3-автомат телефон станциясида 6-разрядли электромонтёр бўлиб ишлаганида ҳам тажриба ва малакасини кундалик ишда тўлиқ намоён эта олди. Корхона маъмурияти ёки касаба уюшма қўмитаси топшириқларини ўз вақтида ва бекамукўст бажариб, жамоат ишларида ҳам жонбозлик кўрсатди. Ҳозирги пайтда у Бухоро шаҳридаги 23-АТСнинг линия-кабел хўжалигида етакчи муҳандис вазифасида ишлаяпти.

Жамоада жами 31 нафар ходим ишлайди. Шокир Денисов, Ўктам Муҳиддинов, Сергей Гребнёв, Мақсад Ҳусанова, Роза Ҳакимова ва бошқалар ҳозирги пайтда ўн минг рақамли абонент телефонларининг, 155 та магистрал ёки 15500 та магистрал жуфтликнинг, 66 та ТПП маркали кабел линиясининг меъёрда ишлашини таъминламоқдалар. 57 та кабелнинг 91 фоизи ортиқча ҳаво босими остига қўйилган бўлиб, бу – вилоят кўрсаткичидан 3 фоизга кўпдир. Улар томонидан профилактик-созлаш ишларининг ўз муддатида ва сифатли бажарилаётганлиги ҳам ютуқлар омили бўляпти. Участкадаги баъзи бир носозликлар сонининг ўтган 2000 йилдагига нисбатан 60 фоизга камайганлиги ҳам алоқачиларнинг ўз касбларига садоқат билан ёндошаётганликлари натижасидир. Шунингдек, 1996 йили Жанубий Кореянинг ДТС–3100 рақамли АТСини ишга туширишда, мураккаб иш жараёнларидан бири ҳисобланган станциялараро тўққизта туташтирувчи линияни оптик толали кабелларга қисқа муддатларда улаш, блокираторда бўлган 1000 рақамли телефонларни бўшатиш ва 23-АТСда 1000 рақамдан иборат янги кўчма телефон станциясини ўрнатишда ҳам Идрис Абдуллаев бошчилигидаги жамоа ишчиларининг ҳиссалари салмоқли бўлди.

–Ишни ҳамиша соз ва пухта қилишга ўрганинглар, – деди Идрис Абдуллаев ўз қўл остида ишлайдиган ходимларга. – Ҳар бир топшириқни сидқидилдан, виждонан бажаринглар. Шундагина меҳнатингиз зое кетмайди, эл-юрт олдида юзингиз ёруғ бўлади.

Эндигина 38 баҳорни қаршилаган йигитнинг бу сўзларида жон бор, албатта. Бу ўгитларни Идрис ўз изидан борган укалари – Соҳиб, Санъат, Собирларга ҳам қайта-қайта уқтиради. Бухоро шаҳар АТСда техник ходим бўлиб ишлаётган умр йўлдоши Назира Қурбоновадан ҳам зарур маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямайди.

... Оқшом. Алоқачилар сулоласининг катта-кичик аъзолари, узоқ-яқиндан келган қариндош ва ёру-дўстлар тўкин дастурхон атрофида тўпланишган. Улар файзли хонадон соҳибининг тўнғич ўғли – Идрис Абдуллаевни муборакбод этгани келишган. Негаки, бир гуруҳ ватандошларимиз қатори "Бухоро Телеком" акциядорлик жамияти Бухоро шаҳар филиалининг етакчи муҳандиси Идрис Абдуллаевга ҳам мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" Фахрий унвони берилди.

Биз заҳматкаш алоқачини юксак унвон билан чин қалбдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ишларига эса янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

**А. ИСТАМОВ,**
Бухоро вилояти



"Қашқадарё почтаси" АЖ Чироқчи филиалида чорак асрдан буён почтачилик қилиб келаётган Шерали БОЗОРОВ хизматидан мижозлар мамнун.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

• Қилмиш-қидирмиш

# ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

(Аввали 1-бетда.)

2001 йилнинг биринчи чораги бўйича эса саккизта ўғирлик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Дмитрий Юн деган кимса 2001 йил, 11 феврал куни тунги соат иккиларда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув шаҳарчасидаги канализация қудуғи қопқоғини очиб, махсус асбоб ёрдамида "Saharlararo aloqa korxonasi" AJ га тегишли Тошкент – Фарғона йўналишидаги шаҳарлараро оптик толали алоқа магистрал линиясини кесади. Лекин ушбу кабелда алюминий ёки мис бўлмагани сабабли кабелни кесилган ҳолда ташлаб кетади. Натижада истеъмолчилар уч соату 17 минут давомида алоқасиз қоладилар ва акциядорлик жамиятига 1464270 сўм миқдорида моддий зарар етказилади. Дмитрий Юн эса ўз қабиҳ ниятларини давом эттириб, 2001 йилнинг 10 ва 21 март кунлари худди шу туманнинг "Гулистон" жамоа хўжалиги ҳудудидаги симёғочга чиқиб, "Тошкент Телеком" АЖ филиалига тегишли бўлган 250 ва 500 метр телефон симини кесиб олиб, Тошкент шаҳри, Қўйлиқ бозорида номаълум шахсларга 18000 ва 35000 сўмга пуллайди. Бу ноқонуний ҳаракатлари билан Д. Юн "Тошкент Телеком" АЖга 120586 ва 172266 сўм миқдорида моддий зарар етказади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, бу жиноятчи ҳам қўлга тушди. Ўрта Чирчиқ туман жиноий ишлар бўйича судининг 2001 йил, 30 июлдаги ҳукмига асосан Д.Юн мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ундан "Saharlararo aloqa korxonasi" AJга 1464270 сўм, "Тошкент Телеком" АЖнинг Тўйтепа филиали фойдасига эса 292852 сўм ундирилди.

Афсуски, юқоридаги каби кўнгилсизликлардан тегишли хулоса чиқарилмаяпти. Жиноятга, ўғирликка қарши барча бирдай курашгандагина ижобий натижага эришиш мумкин. Минглаб ишламай қолган телефонлар, қимматбаҳо алоқа каналлари, юзлаб метр масофага ётқизилган алоқа кабелларининг ўғирланиши нафақат алоқа ташкилотларига, сизу бизга, қолаверса, бутун жамиятимизга қимматга тушаётганини зинҳор эсдан чиқармаслик даркор.

**З. БОБОҚУЛОВ,**
**Ҳ. ХОЛМУҲАММЕДОВ,**
"Saharlararo aloqa korxonasi" AJ ходимлари

# ХОРАЗМЛИК АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ЯНА БИР ҚАДАМИ

Дунё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ўзаро манфаатли ривожланишини алоқа воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу боис хорижнинг замонавий технологиясини ўзлаштириш ҳисобига алоқа хизмати доирасини кенгайтириш, сифатини ошириш муҳим масаладир. Хоразм вилоятида иккита алоқа иншоотининг қайта қурилиши ва жаҳон талабларига мос келадиган телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланиши ушбу мақсад йўлидаги дадил қадам бўлди.

– Халқимизга намунали алоқа хизмати кўрсатиш учун ишлаб чиқариш жараёнини замонавий қурилмалар билан бойитишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди "Хоразм Телеком" акциядорлик жамияти бош директори Маҳмуджон СОБИРОВ. – Жойларга иқтисодий жиҳатдан самарали ва ишлаш қобилияти юқори бўлган хориж қурилмаларини ўрнатишимиз натижасида икки минг мижоз тезкор уланиш ва жаҳон давлатларига бемалол чиқиш имкониятига эга бўлди.

Дарҳақиқат, хоразмлик алоқачилар Япониянинг NEC, Жанубий Кореянинг DAEWOO корпорацияларининг ускуналарини ишлатиш билан бирга Исроилнинг Data Communications Ltd компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қурилмани ҳам ўзлаштирдилар. "Наврўз" шаҳарчасида оптик толали кабел орқали ишлайдиган 120 каналли Optimux -4E1 мультиплексор қўйилди. Бу қурилма оптик нурни рақамли белгига айлантириб беради. Японияда чиқарилган РСМ-30х4 мультиплексори эса унга уланиб, рақамли белгини турдош товушга айлантиради ва товуш тиниқлигини жалал оширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, илгари "Наврўз" шаҳарчаси 3-станцияга боғланган бўлиб, каналлар етишмаслиги ва телефон нуқталари кўплиги боис мижозлар эътирозига сабаб бўларди. Шаҳарчага қўнғироқ қилсангиз, кўп ҳолларда 223 рақами банд бўларди. 3-станциядан оптик толали кабел тортилиб, "Наврўз" шаҳарчасида яшовчи мижозлар учун алоҳида 228 рақамига уланиш имконияти яратилди. Натижада минг нафар мижозга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди ва уланиш-чиқиш жараёни тезлашди.

– Олдин линия кўпинча банд бўларди, – дейди "Наврўз" шаҳарчаси фуқароси Шуҳрат Матчонов, – товуш ҳам шовқин ҳам аралаш зўрға эшитиларди. Урганч шаҳрига чиқиш учун ҳам рақамни бир неча бор теришга тўғри келарди. Ҳозир эса охирги рақамни териш биланоқ керакли жойга дарров улайди. Танишингиз билан худди қўшни хонада тургандай мириқиб гаплашасиз. Узоғимизни яқин қилган алоқачиларимизнинг савобли ишларидан беҳад мамнунмиз.

Мижозлардан бири Раъно Қурбонова ўз фикрини шундай баён қилди:

– Очиғи, илгари телефон деганда асабим ўйнаб кетарди, керакли жойга қўнғироқ қилиб бўлмасди. Рақамни тераётган пайтингизда орага бошқа биров суқилиб кирарди ва оқибатда асаббузарлик содир бўларди. Рақам теришнинг ўзига анча вақтимиз кетарди. Шаҳарчамизни 228 рақамига ўтказиб беришгач, барча муаммо йўқолди, ишқилиб кўз тегмасин. Одамлар манфаатини кўзлаб қулай шароит яратиб берган соҳа раҳбарияти ва ходимларига "Наврўз" шаҳарчасида яшаётган барча оилалар номидан миннатдорчилик билдираман.

Юқоридаги каби муаммолар вилоят темир йўл ички станциясида ҳам мавжуд эди. Станцияда 24 каналли РСМ-30 мультиплексор ўрнатилиши билан мижозлар бемалол Урганч шаҳри ва вилоятнинг барча туманларига боғланиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда темир йўл ходимларининг NEAX 61E шаҳарлараро телефон станцияси орқали узоқ масофаларга хабар етказишлари, таниш-билиш ва яқинларига севинч улашишлари табиий ҳол бўлиб қолди.

Янги технологик жиҳозларни ўрнатиш ва ишга туширишда бўлим бошлиғи Фарҳод Янгибоев, оптик кабеллар бўйича муҳандис Омон Матниёзов, телефон станцияси муҳандиси Рўзмат Ниёзматовлар алоҳида хизмат кўрсатдилар.

**Ф. МУҲАММАДИЕВ,**
Хоразм вилояти

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Xabar" газетаси жамоаси газетанинг "Тошкент таксофони" бўйича жамоатчи мухбири **Фароғат ШАРОФҚОРИЕВА**ни 60 ёшга тўлгани муносабати билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилаб қолади.

## БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

# СЕВГИ ЁШ ТАНЛАМАС

Шарқ мумтоз адабиётининг забардаст намояндаларидан бири Умар Хайёмдир. Унинг тўлиқ исми Ғиёсиддин Абул Фатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурийдир. Умар Хайём математика, фалакиёт ва фалсафага оид қатор асарлар ёзган бўлса-да, бироқ ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, рубоийлари билан дунёга машҳур бўлди. У тўртгина мисра шеърга чуқур маъноли фалсафий фикрларни сиғдира олди. Шунинг учун ҳам унинг оҳангдор рубоийлари жаҳон адабиётининг бой хазинасидан энг яхши гавҳар доналари каби муносиб ўрин олган.

Болалик чоғларидан Умар Хайём қорилик, яъни қуръонни ёддан ўқиши билан ном қозонади. Ўз даврининг олимлари математика ва фалакиётшунослик масаласида у билан баҳслашишга журъат эта олмаган. Чунки олим фан масаласида ўзигача маълум бўлган ва тўпланган аниқ билимларга таянар эди.

Унинг фаолияти Султон Маликшоҳ саройи расадхонасида йигирма йил мобайнида ривож топди. Шоҳ вафотидан сўнг Хайём бева қолган маликанинг қаҳрига йўлиқди. Малика ундан хушомад ва мулозамат кутар, аммо лоқайд қарагани учун шоирни ёқтирмас эди. Ташлаб қўйилган расадхонага маликада қизиқиш уйғотиш учун Умар томонидан қилинган ҳаракатлар натижасиз тугагач, у ватани Нишопурга қайтади.

Умар одамлар доимо янгиликка интилиб яшаши керак деб ҳисоблаган. Аммо ёши олтмишдан ошганида, олим ўз билим ва тажрибасида жуда катта етишмовчилик борлигини англади. Умарга умри давомчисини ҳадя этувчи биронта аёл топилмади. Шоир шунчалик обрўга эга бўлса-да, оилавий томондан бахтсиз эди.

Кунларнинг бирида Хайём, кулол Мурод Али боғи ёнидан ўта туриб, унинг навниҳол ва соҳибжамол қизи Зайнабни кўриб қолади. Шу кундан бошлаб тинчини йўқотган шоир бу хонадон ёнида тез-тез пайдо бўлар, қизга бирор сўз қотиш учун эса ўзини кексайган деб ҳис қилганидан тортинарди. Натижада шоир ҳаётида ғамгинлик, тушкунлик онлари юз бера бошлади. У қуйидаги тўртликни ана шундай руҳий ҳолат таъсирида ёзган бўлса ажаб эмас:

Дилим бўлган эди, битта ёрга зор,
У ўзга бир ерда ғамга гирифтор.
Мен ундан ўзимга дори изласам,
Нетай, табибимнинг ўзи ҳам бемор.

Тунларни бедор ва айрилиқда ўтказиш азобини тортган Хайём, ниҳоят, Зайнаб қўлини сўраб, кулол уйига боришга аҳд қилди. Кулол боғда дам олиб ўтирарди:

– Ассалому алайкум, устоз, – деди уйга кириб борган шоир.

– Ваалайкум ассалом, донолар ҳукмдори, – қарши олди кулол. Сўнг уйи томон қараб, – Зайнаб, меҳмонга чой келтир, – деб буюрди.

Ёнғоқ дарахтлари орасидан товусдай товланиб, бошида ноз-неъматлар солинган патнис билан Зайнаб чиқиб келди. Меҳмонга яқинлашаркан, гулгун чеҳрасини енги билан пана қилиб, эшитилар-эшитилмас овозда салом бердида, илтифот ила патнисни қўйиб кетди.

Шоир кулол узатган пиёладаги чойни хўплар экан оғир хўрсиниб гап бошлади:

– Сиз кўп бахтлисиз, уста! Уйингизнинг устуни ҳам, томи ҳам бут. Умри чодир тикиш билан ўтган отамнинг ёди-ҳурмати, қасам ичаманки, менинг уйимга кириб, ташвишларимни бироз енгиллатган аёлдан ҳеч нарсамни аямасдим. Аммо ўшандайини қаердан топаман? Сиз худонинг марҳаматидан бенасиб қолмагансиз. Ўғлингиз ҳам, қизингиз ҳам бор. Камина эса ёлғиз... Агар уйимда қизингиз каби иболи бир аёл бўлиб, менга ҳамнафас бўлганида, мен ҳам бахтли одамга айланар эдим...

Бир неча кун ўтгач, кулол Умарга розилигини билдирди:

– Тақсир, менинг қизим 16 ёшда. Сиз айтгандек ўғилларим ҳам бор. Сиз эса ёлғизсиз. Қизим уйингиз бекаси бўлишига розиман. Шундай бўла қолсин.

Шоир чарм халтадаги олтин динорларни кулол олдига қўяр экан, устанинг қатъий эътирозига дучор бўлди:

– Мен кўза сотаман, қизимнимас. Бу Зайнабнинг хоҳиши, шунинг учун розилик бердим. Билмадим, у сиздан нима топди экан?!

...Шоир ҳаётидаги энг ширин дамлар бошланди. Кечикиб очилган муҳаббат ҳамма нарсадан лаззатли, деб шунга айтишса керак-да. Хайём кундузи шогирдлари билан машғулотда бўлар, тунларни эса маликаси Зайнаб билан хуш ўтказар эди. Орадан бир неча ой ўтиб, Зайнаб фарзанд кўражагини маълум қилди. Бу хушхабар мўйсафид қалбига чексиз қувонч олиб кирди. Демак, Зайнаб вужудида Умар ҳаётининг давомчиси бунёд бўлмоқда. Афсуски, шоирга ўз зурриёдини кўриш насиб этмаган экан...

Табиб Зайнабнинг олдидан ўта ғамгин қиёфада чиқди. Фарзанд жонсиз туғилди. Кўп ўтмай, Зайнаб ҳам бу ёруғ дунёни тарк этди. Энди Умар қайғусини-да тариф этиш маҳол бўлди. Қуйидаги мисралар унинг ғамташвишларидан яралди:

Фалак, кўнглим доим ғамнок қилурсан,
Қувончим, қўйлагим чок-чок қилурсан.
Менга эсган елдан оташ уфуриб,
Сув ичсам, оғзимдан тупроқ қилурсан.

Шундан сўнг, то умри поёнига етгунича Умар Хайём чеҳрасида шодлик аксланмади. "Фалак фикрини инсон тилига ўгирувчи"номини олган шоир яна кўп йиллар ижод билан банд бўлди. Унинг рубоийлари бугунга келиб кўп тилларга таржима қилинди. Бу рубоийларни минглаб кишилар ёддан ўқийдилар.

Бироқ, ана шундай буюк бир инсон ҳаётда оталик бахтига муяссар бўлолмай ўтди. Бир кам дунё, деб шунга айтсалар керак-да.

И. АҲМЕДОВ тайёрлаган

• Ислом маърифати

# ДУОНИНГ УЧ МЕВАСИ

Аллоҳ таоло Қуръонда: "Менга дуо қилинглар, дуоларингизни ижобат қиламан", дейди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) эса: "Раббингиз ниҳоятда ҳаёли ва саховатлидир, бандаси икки қўлини У тарафга чўзадиган бўлса, уни қуруқ қайтаришга бандасидан ҳаё қилади" деганлар. Бу хабарларда шубҳа йўқ. Аммо гоҳида дуоларимиз ижобатсиз қолиб кетаётгандек кўринади. Аслида-чи?

Қабул бўлиш шартлари (ихлос, тавба, луқманинг пок бўлиши ва ҳоказо) бажарилган ҳолда қилинган дуо, албатта, ижобатдир. Бу ижобат эса, уч кўринишда бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: "Кимда-кимнинг дуоси гуноҳ ишдан ва қариндошлари билан алоқасини узишдан бошқасига бўлса, Аллоҳ унга учта нарсадан бирини, албатта, ато этади: ё банданинг дуосини тез фурсатда ижобат қилади ёки унинг савобини охират учун захира қилиб олиб қўяди ёхуд шу дуоси муқобилида бир ёмонликни ундан даф этади". Шунда саҳобалар: "Унда дуо қилишни янада кўпайтирамиз", дейишди. Расули Акрам: "Аллоҳ сизникидан кўра кўпроқ ато қилади", дедилар.

Саҳобаларнинг биридан ривоят қилинишича, қиёматда бандага ўзи билмаган яхшиликлари рўпара қилинади. Банда: "Бу яхшиликлар қайси амалларим учун?" деб ҳайрон бўлади. "Ижобат қилинмаган дуоларинг учун", дейилади унга. Шунда банда: "Қанийди, дунёда битта ҳам дуойим ижобат бўлмаганда", деб қолади.

Демак, дуо учун вақтни, қалбни ҳеч ҳам қизғанмаслик керак.

**"Мусулмонлар тақвими" китобидан**



**Япроқлар бандида кезган жимгина**
**Маъюс ва безовта кузни кўраман.**
**Унинг қўшиғида, унинг оҳида**
**Сезаман одамзод қалбин гоҳида.**

# ҲИКМАТЛАР

• Ҳақиқат ва тўғриликни севадиган одам доим виждони фармонига итоат этади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.

• Виждон – ақлнинг қон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради.

• Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир.

• Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғриликдадир.

• Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки кулфат келтиради.

• Ота-онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат кутиши ножоиздир.

## ТАОМ НИМА БИЛАН МАЗАЛИ?

Мағиз ёғлари (соя, кунгабоқар, мевали дарахт мағизлари)дан тайёрланган овқатлар саломатликка кони фойда.

* * *

Кўк чойни дамлаганингиздан кейин уни яна бир бор қайнатиб олинг. Мазали бўлади. Узоқ қайнатсангиз айниб кетади.

* * *

Қопқоқли қозонда димлаб пиширилган овқатнинг дармондорилари яхши сақланиб қолади.

* * *

Гўшт ва сабзавотларни ювиб, кейин тўғраган маъқул. Мазаси сақланади.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Тошкент электротехника алоқа институтининг "Алоқа корхоналарини электр билан таъминлаш" кафедраси мудири
**Ильдар Аҳмедович КИЛЬДЕЕВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
**ИНДЕКС:** 64600
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2939. 4486 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00
1 2 3 4 5 6